

Сайёр қабуллар аҳоли мурожаатларнинг тез ечим топишига хизмат қиласди



Бугунги кунда фуқароларни қийнаётган муаммо ва мурожаатларга манзилли ечим топиш мақсадида ўтказилаётган сайёр қабулларнинг аҳамияти катта бўлмоқда.

Туманнинг 1-сектор ҳудудидаги «Намуна» маҳалласида бўлиб ўтган сайёр қабулда туман ҳокимининг биринчи ўринbosари Одил Яқубов ва мутасадди раҳбарлар иштирок этишди. Унда фуқароларнинг моддий ёрдам, бандликни таъминлаш, уй-жой ва ички йўллари таъмири ва бошқа бир қатор масаллалардаги ўн бешга яқин мурожаатлар тингланди.

Фуқаролар томонидан қилинган мурожаатларнинг тўрттаси шу ернинг ўзида ижобий ҳал этилган бўлса, иккитасига тушунтириш берилди. Ижроси муддат ва қўшимча ўрганиш талаб қиласиган мурожаатлар масъулларга йўналтирилиб, назоратга олинди.